

“Oqtosh don” aksiyadorlik jamiyati
акциядорларнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилиши
№1-сонли баённомаси

2021 йил 31 март соат 14-00

Самарқанд вилояти, Нарпай
тумани Ж. Мирзев кўчаси 2-уй

Йиғилиш раиси: А.С.Салихов, “Ўздонмахсулот” АК вакили.

Иштирок этганлар: “Oqtosh don” aksiyadorlik jamiyati
акциядорлари ҳамда улар номидан келган
вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва
бошқарув аъзолари
(*рўйхатга олиш қайдномаси бўйича*)

Жами овоз берувчи акциялар 1413196 (бир миллион тўрт юз ўн уч минг бир юз тўқсон олти) дона. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 1181944 (бир миллион бир юз саксон бир минг тўққиз юз қирқ тўрт) дона. Йиғилиш кворуми 83.63 фоиз.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият акциядори Б.Сатторов сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш президиумига, раислигига ва котиблигига сайлашни таклиф қилди.

- йиғилиш Президиуми:
 1. А.Салихов - “Ўздонмахсулот” АК вакили
 2. Р.Тўраев - жамият кузатув кенгаши аъзоси;
 3. Т.Х.Худойбердиев - жамият бошқарув раиси;
- йиғилиш раиси – А.С.Салихов.
- йиғилиш котиби – А.А.Сайфуллаев

Очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:

Йиғилиш Президиуми – А.Салихов, Р.Тўраев, Т.Х.Худойбердиев.

Йиғилиш раиси - А.С.Салихов, **йиғилиш котиби** - А.А.Сайфуллаев.

Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги иккинчи масала, яъни акциядорларнинг умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 10 дақиқа, муҳокама учун 5 дақиқа, шунингдек, йиғилишни танафуссиз якунлаш таклиф этилди ва очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради. **Таклиф этилган тартиб ва регламент бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

Қуйидаги (кузатув кенгашида тасдиқланган ва олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи президумини сайлаш;
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

3. Саноқ комиссияси аъзоларини сайлаш;

4. Жамият кузатув кенгашининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботи, кузатув кенгашининг 2020 йил давомидаги барча қарорлари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;

5. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботи ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;

6. Жамият тафтиш комиссиясининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича тегишли ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш;

7. Жамиятнинг 2020 йил молиявий йил яқунлари бўйича ташқи аудиторлик ташилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш;

8. Жамиятнинг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарларини тасдиқлаш;

9. Жамият устав фондидаги акцияларга ҳисобланадиган дивиденд миқдорини белгилаш;

10. Жамият 2021 йил фаолияти учун кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;

11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш;

12. Жамиятнинг 2021 йил учун ижроия органи раҳбари ва унинг аъзоларини тасдиқлаш;

13. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлаш;

14. Жамиятда 2020 йил якуни бўйича аудиторлик тегиширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташилотлар таклифини кўриб чиқиш ҳамда уларга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш;

15. Депозитарий “Самарқанд вақт” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш;

16. Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш;

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 24-августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш;

18. Корхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш;

19. Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тугатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан буён ундирилмасдан келаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларини, юридик шахс тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларга асосан жамият балансидан чиқариш.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди.

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслиги маълум қилинди.

Кузатув кенгаши раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги учинчи масала бўйича, акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун қуйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини таклиф қилди ҳамда очик овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

Т.Р.	Фамилия, исми ва шарифи	Лавозими
1	Адизов Умар Одилович	“Оқтош дон” АЖ қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
2	Ахмедова Мафтуна Эсановна	“Оқтош дон” АЖ ҳисобчиси
3	Кахаров Шербек Суннатуллаевич	“Оқтош дон” АЖ компьютер тизимлари бўйича техник

Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг, йиғилиш раислигига А.Салихов, котиблигига жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар ўрнатиш бўлими мутахассиси А.Сайфуллаев номзодлари таклиф этилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсатига кузатув кенгаши раиси А.Салихов, аъзолари бошқарув раиси Т.Худойбердиев ва бош ҳисобчи У.Ортиқовлар номзодлари таклиф этилди.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи, иккинчи учинчи масалалар акциядорлар томонидан очик овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги тўртинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан “Оқтош дон” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси А.Салихов сўзга чиқиб, 2020 йил давомида ўн маротаба кузатув кенгаши аъзолари йиғилиши ўтказилганлиги, шунингдек, ушбу йиғилишларда жамият фаолияти билан боғлиқ ҳамда жамиятни янада ривожлантириш борасида устувор вазифалар белгилаб олинганлигини гапириб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини

баҳолаш мезонлари тўғрисида Низом”га асосан ташқи аудиторлик корхонасининг тегишли хулосасига кўра жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи СЙК 133,1 фоиз, яъни “юқори” даражада ҳамда жамиятда корпоратив бошқарув фаолияти мустақил ташкилот томонидан 639 балл, яъни “юқори” деб баҳоланганини таъкидлади.
(кузатув кенгаши ҳисоботи ёзма равишда илова этилади).

Таклиф этилган кун тартибидаги тўртинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан 2020 йилда жамият фаолиятига раҳбарлик қилган Т.Х.Худойбердиев сўзга чиқиб, “Оқтош дон” акциядорлик жамиятида бажарилган ва амалга ошмай қолган барча ишлари тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтди (ҳисобот илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги бешинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан, тафтиш комиссияси аъзоси Ж.Худойбердиев сўзга чиқиб, 2020 йил давомида жамиятда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. У эришилган ютуқлар билан бирга 2020 йил бизнес режасига нисбатан айрим кўрсаткичлар бажарилмаганлигига тўхталиб, жорий йилда бу каби хатоликларга йўл қўймаслик учун жамият бошқарувидан амалий чоралар кўриш талаб этилди.

Шунингдек, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳамда 2021 йилга комиссия аъзолари таркиби йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига тақдим этилди (ҳисобот илова қилинади).

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги олтинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

Таклиф этилган кун тартибидаги олтинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан, 2020 йил учун “Оқтош дон” акциядорлик жамиятини текширишдан ўтказган ““*Javlon Audit Servis*” МЧЖ ташқи аудиторининг хулосаси билан йиғилиш иштирокчилари таништириб ўтилди (хулоса ва ҳисобот илова этилади).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармониغا асосан, 2016-2020 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва халқаро аудит стандартлари ҳамда халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши белгиланган.

Муҳокамадан ва фикр мулоҳозалардан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги еттинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

Таклиф этилган кун тартибидаги еттинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	Тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	Йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан, жамият бош ҳисобчиси У.Ортиқов сўзга чиқиб, бошқарув томонидан жамият даромадини ошириш борасида аниқ, режали чора-тадбир амалга оширилганлиги боис ўтган 2020 йил фаолияти натижалари қониқарли яқунлаганлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, жамиятнинг ўз маблағлари ва акциядорлик жамияти мажбуриятлари унинг актив манбаи бўлиб, уларнинг ҳисоб рақамларида акс этирилиши бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мос келиши, баланснинг халқаро талабларга мос ҳолда юритилиши якуний молиявий натижаларнинг тўғри аниқланишига асос бўлиши, ўтказилган таҳлил ва текширувлар натижасида жамият бухгалтерия баланснинг ошкоралиги таъминланганлиги ҳамда мазкур ҳолатни жамиятнинг 2020 йилги молиявий натижаларини текширувидан ўтказган “*Javlon Audit Servis*” МЧЖ аудит ташкилоти хулосаларида ҳам ёритилганлиги маълум қилинди.

Шунга мувофиқ, “Оқтош дон” акциядорлик жамияти 2020 йил молиявий хўжалик фаолиятини **8 млрд. 631 минг 986 сўм** молиявий натижа билан яқунлаган.

Муҳокамадан ва фикр мулоҳозалардан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги саккизинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

Таклиф этилган кун тартибидаги саккизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	Тарафдорлар	Қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	Йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини жамият ижро органи билан кўриб чиқилган таклиф ва кузатув кенгаши тавсияси (*кузатув кенгашининг 2021 йил 2 мартдаги 21-03-сон баёни*) билан таништирди ва шунга асосан жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган **8 млрд. 631 млн. 986 минг сўмлик соф фойдани** қуйидагича тақсимлаш таклифини киритди, яъни:

-68,26 фоизи (5 млрд. 892 млн. 193 минг 640 сўми)ни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга;

-1,74 фоизи (149 млн. 940 минг сўм) кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини йил якуни бўйича рағбатлантиришга;

-30 фоизи (2 млрд. 589 млн. 595 минг 800 сўми)ни эса «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига асосан акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритди.

Ҳар бир дона имтиёзли ва оддий акциялар учун 1825,41 сўмдан жами 2 млрд. 589 млн. 595 минг 800 сўм дивиденд тўловлари тўғри келаётганлиги ва бу қонунда белгиланган (2021 йил 31 мартдан 2021 йил 31 майгача) муддатларда амалга оширилишини билдирди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамаси эшитилгандан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги ушбу тўққизинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

Таклиф этилган кун тартибидаги тўққизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	Тарафдорлар	Қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	Йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси, умумий йиғилиш муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси (тафтишчилиги)га бу органнинг таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар кўрсатишга ҳақлилигини билдирди.

Қонунда белгиланган муддатда кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

Таклиф этилган кун тартибидаги ўнинчи масала қуйидагича маъқулланди.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	Фамилия, исми ва шарифи	лавозими	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	Салихов Ахмед Собитович	“Ўздонмаҳсулот” АК МЭ ва СБ бошқарма бошлиги в.в.б	1427242	йўқ	йўқ
2	Узаков Шухрат Аъламович	“Ўздонмаҳсулот” АК бошқарув раиси биринчи ўринбосари	1427240	йўқ	йўқ
3	Хасанов Баходир Рамзиддинович	“Ўздонмаҳсулот” АК МЭ ва СБ бош мутахассиси	1427240	йўқ	йўқ
4	Жумаев Нодир Жахонович	“Ўздонмаҳсулот” АК И ва ЯТЖЕБ бош	1427240	йўқ	йўқ

		<i>мутахассиси</i>			
5	<i>Тўраев Рахмонкул Юлдошевич</i>	<i>“Шохрухмирзо” МЧЖ рахбари</i>	854884	йўқ	йўқ
6	<i>Хасанов Сардор Тўра ўғли</i>	<i>Тадбиркор</i>	854881	йўқ	йўқ
7	<i>Худойбердиева Шахноза Тўра қизи</i>	<i>“Нарнай элита дон” МЧЖ тахлилчиси</i>	854881	йўқ	йўқ
8	<i>Кенжаев Жалол Рузибаевич</i>	<i>“Нарнай элита дон” МЧЖ ҳайдовчиси</i>	0	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилиш раиси сўзни жамият акциядорлар билан корпоратив алоқалар ўрнатиш бўлими мутахассиси А.Сайфуллаевга берди, у қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддасига асосан акциядорлар томонидан жамият тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн биринчи масала қуйидагича маъқулланди.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	Фамилия, исми ва шарифи	лавозими	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	<i>Хасанова Гавҳар Тўра қизи.</i>	<i>ТДИУ 4-босқич талабаси.</i>	1 181 944	Йўқ	йўқ
2	<i>Худойбердиев Жавохир Тўра ўғли.</i>	<i>Тадбиркор.</i>	1 181 944	Йўқ	йўқ
3	<i>Хасанова Орзигул Назиржон қизи.</i>	<i>“Нарнай элита дон” МЧЖ тахлилчиси.</i>	1 181 944	Йўқ	йўқ
4	<i>Ёқубов Ўқтам Абдиманнат ўғли</i>	<i>“Нарнай элита дон” МЧЖ ҳайдовчиси</i>	Йўқ	Йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси А. Салихов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича жамиятнинг расмий веб-сайти (www.oqtoshdon.uz) ва корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz)да ҳамда “BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасининг 2021 йил 02 мартдаги №17(2795)-сонида жамият Бошқарув раиси лавозимига танлов эълон қилинганлигини, аммо, ташаббускорлар томонидан эълонда белгиланган муддатда номзодлар тўғрисидаги маълумотлар жамиятга тақдим

этмаганликларини билдирди. (“BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасининг 2021 йил 02 мартдаги №17(2795)-сонидан нусха илова қилинади).

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг Бошқарув раиси ўз лавозимига бир йил муддатга ёлланиши ва у билан шу муддатга меҳнат шартномаси имзоланиши мумкинлиги тўғрисида тўхталиб, Худойбердиев Тура Хасанович номзодини “Оқтош дон” акциядорлик жамиятига раҳбарлик қилиши юзасидан таклиф киритди. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини бир йилга яъни, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар тузиш таклифини берди.

Жамият бошқарув раиси ва ва аъзолари ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий рағбатлантирилиб борилиши таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш иштирокчилари фикр, муносабат билдиришларини сўради ва муҳокамалардан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн иккинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	Тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилиш раиси сўзни жамият акциядорлар билан корпоратив алоқалар ўрнатиш бўлими мутахассиси А.Сайфуллаевга берди, у қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан акциядорлар томонидан миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларига қуйидаги номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн учинчи масала қуйидагича маъқулланди.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	Фамилия, исми ва шарифи	лавозими	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	Кувондиқов Қахрамон	Жамият акциядори	йўқ	1 181 944	йўқ
2	Сатторов Бахтиёр	Жамият акциядори	1 181 944	йўқ	йўқ
3	Енина Ирина	Жамият акциядори	1 181 944	йўқ	йўқ
4	Хидиров Хасан	Жамият акциядори	1 181 944	йўқ	йўқ
5	Бобомуродов Завқиддин	Жамият акциядори	йўқ	1 181 944	йўқ

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилиш котиби А.Сайфуллаев сўзга чиқиб, “Javlon audit serves” МЧЖ ва “Afrosiyob audit standart” МЧЖ аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари тушганлигини ва улардан

бирини жамиятда 2020 йил учун аудиторлик текширувини ўтказиш учун танлаш лозимлигини таъкидлади. Ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн тўртинчи масала қуйидагича маъқулланди.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	Ташкилот номи	Унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	“Javlon audit serves” МЧЖ	хизмат ҳақи 30 000 000 сўм	1 181 944	йўқ	йўқ
2	“Afrosiyob audit standart” МЧЖ	хизмат ҳақи 30 000 000 сўм	йўқ	1 181 944	йўқ

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси У.Ортиқов сўзга чиқиб, корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2020 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни баҳолаш хулосасини эшитишлари ва муносабат билдиришлари мумкинлигини билдирди.

Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни қуйидаги ташкилотлар ўтказиши мумкин:

- фонд биржаси;
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;
- штатида тегишли корпоратив бошқарувчи ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси аттестати бўлган аудиторлик ташкилотлари;
- аккредитациядан ўтган рейтинг агентликлари;
- корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази;
- хусусийлаштириш, рақобатни ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммолари тадқиқотлари маркази.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг қарори бўйича танлов асосида ўтказилади.

Акциядорлик жамиятида ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари акциядорлик жамияти сайтида ушбу баҳолашни ўтказган ташкилот хулосаси билан биргаликда эълон қилинади.

Юқоридаги талабларга риоя қилинган ҳолда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни жамиятга мулкӣ муносабат орқали боғлиқ бўлмаган мустақил ташкилот билан тегишли шартнома асосида амалга оширилди.

“Оқтош дон” акциядорлик жамияти 2020 йил якуни бўйича фаолияти бошқарилиши аудиторлик текширувидан ўтказган Депозитарий “Самарқанд вақт” МЧЖ хулосасига асосан “юқори” деб топилган.

Йиғилиш иштирокчиларига мустақил ташкилот томонидан тайёрланган хулоса ўқиб эшиттирилиб, муҳокама қилингандан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн бешинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
-----	-------------	----------	------------

1	1181944 (100 фоиз)	йўқ	йўқ
---	--------------------	-----	-----

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича йиғилиш раиси жамият акциядорларининг 2019 йил 29 мартда ўтказилган умумий йиғилишида **“Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”**ги Низом тасдиқланганлигини таъкидлади.

Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий рағбатлантириш таклифи киритилди.

Юқорида қайд қилинган таклифни тасдиқлаш йиғилиш қатнашчилари розилиги билан овозга қўйилди.

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн олтинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	Йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала юзасидан “Оқтош дон” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича директори З.Ибодовнинг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи эшитилди. Йиғилиш иштирокчиларига ҳисобот берилди ва муҳокама қилинган ҳисоботни овозга қўйиш таклифи киритилди (ҳисобот илова қилинади):

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн еттинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала юзасидан бош ҳисобчи У.Ортиқов “Оқтош дон” акциядорлик жамиятининг харидлар жараёнидаги шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлиги бўйича ташқи аудит, яъни “JAVLON AUDIT SERVES” МЧЖдан берилган хулосани йиғилиш иштирокчилари муҳокомасига ҳавола этди.

Йиғилиш иштирокчиларига баён қилинган аудиторлик ташкилоти хулосаси муҳокамадан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси У.Ортиқов сўзга чиқиб корхона олдида кўп йиллардан буён ундирилмасдан келинаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликлари мавжуд, аммо давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тугатилган юридик шахсларни “юридик шахс тугатилган” лиги (худудий ҳокимликни қарори, статистика бошқармаси маълумоти ёки суднинг қарори) тўғрисидаги тегишли ҳужжатларга асосан жамият балансидан чиқариш масаласини билдирди.

Йиғилиш раиси А.Салихов бу масалага тегишли ҳужжатларни пухта тайёрланиши лозимлигини таъкидлади ва ҳужжатларни бир ой муддатда тўлиқ жамлаб, мавжуд камчиликларни бартараф этиб, жамият кузатув кенгашида кўриб чиқишни таклиф этди.

Шундан сўнг ушбу масала ҳам овозга кўйилди.

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1181944 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Оқтош дон” акциядорлари умумий йиғилишининг ишчи президиуми тасдиқлансин.

2. “Оқтош дон” акциядорлари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

3. Акциядорлар томонидан кўриб чиқилиб тавсия этилган “Оқтош дон” АЖнинг бугунги умумий йиғилиши санок комиссияси тасдиқлансин.

4. Жамият кузатув кенгашининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Ташқи аудитор хулосасига кўра ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи СЙК 133,1% (юқори даражада) ва мустақил баҳоловчи ташкилотнинг хулосасига кўра корпоратив бошқарув фаолияти 639 балл (юқори даражада) баҳоланганини эътиборга олган ҳолда Жамият ижроия органи раҳбарининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

6. Жамият тафтиш комиссиясининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича текшириш ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича “Javlon Audit Servis” ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарлари тасдиқлансин.

9. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган 8631986,0 минг сўмлик соф фойдани қуйидагича тақсимлансин, яъни;

- 68,26 фоизи (5 млрд. 892 млн. 193 минг 640 сўми) ишлаб чиқаришни ривожлантиришга;
- 1,74 фоизи (149 млн. 940 минг сўм) кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоларини йил якуни бўйича рағбатлантиришга;
- 30,0 фоизи (2 млрд. 589 млн. 595 минг 800 сўми) дивиденд тўловларига (бунда ҳар бир дона акция учун 1825,41 сўм) йуналтирилсин.

Дивиденд тўловлари қонунда белгиланган муддатларда (2021 йил 31 мартдан 2021 йил 31 майгача) амалга оширилсин.

Йил якуни бўйича фойданинг тақсимооти ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш масъулияти жамият бош ҳисобчиси У.Оритқовга юклатилсин.

10. Жамият 2021 йил фаолияти учун кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар сайланганлиги тасдиқлансин:

Кузатув кенгаши аъзолари		Қисқа маълумот
1	Салихов Ахмед Собитович	“Ўздонмахсулот” АК МЭ ва СБ бошқарма бошлиги в.в.б.
2	Узаков Шухрат Аъламович	“Ўздонмахсулот” АК бошқарув раиси биринчи ўринбосари
3	Хасанов Баходир Рамзиддинович	“Ўздонмахсулот” АК МЭ ва СБ бош утахассиси
4	Жумаев Нодир Жахонович	“Ўздонмахсулот” АК И ва ЯТЖЕБ бош мутахассиси
5	Тўраев Рахмонқул Юлдошевич	“Шохрухмирзо” МЧЖ раҳбари
6	Хасанов Сардор Тўра ўғли	Тадбиркор
7	Худойбердиева Шахноза Тўра қизи	“Нарпай элита дон” МЧЖ таҳлилчиси

11. Жамият 2021 йил фаолияти учун тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар сайланганлиги тасдиқлансин:

Номзодлар рўйхати		Қисқа маълумот
1	Хасанова Гавҳар Тўра қизи.	ТДИУ 4-босқич талабаси.
2	Худойбердиев Жавоҳир Тўра ўғли.	Тадбиркор.
3	Хасанова Орзигул Назиржон қизи.	“Нарпай элита дон” МЧЖ таҳлилчиси.

12. Жамият бошқарув раиси лавозимига Худойбердиев Тўра Хасанович тайинлансин ва бир йил муддатга меҳнат шартномаси тузилсин.

13. Жамият 2021 йил фаолияти учун миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига қуйидаги номзодлар сайланганлиги тасдиқлансин:

Номзодлар рўйхати		Қисқа маълумот
1	Сатторов Бахтиёр	Жамият акциядори
2	Енина Ирина	Жамият акциядори
3	Хидиров Хасан	Жамият акциядори

14. Жамиятда 2020 йил учун аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича “Javlon audit servis” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан белгиланган тартибда шартнома тузилсин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 30 000,0 минг сўм миқдорида белгилансин.

15. Депозитарий “Самарқанд вақт” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосаси тасдиқлансин.

16. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантириш, жамиятнинг “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Низом асосида олиб борилсин.

17. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2020 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

18. Корхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосаси тасдиқлансин.

19. Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тугатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан бўён ундирилмасдан келинаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларни, юридик шахс тугатилганлиги ҳақида тегишли хужжатларга асосан жамият балансидан чиқаришга ҳуқуқий асосларни тайёрлаб, тўлиқ жамлаш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш ишлари бир ой муддатда амалга оширилсин.

Кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш учун ижро органи томонидан умид қилиб бўлмайдиган қарздорлик тўғрисида йиғма маълумот тақдим этилсин (*умид қилиб бўлмайдиган қарз деб эътироф этиш учун асос мавжудлиги, умид қилиб бўлмайдиган қарз деб эътироф этиш тўғрисида ҳуқуқшунослик бўлими хулосаси олиниб, илова қилинаётгани, жамланган хужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда бухгалтерия ҳисоботларига мослиги текширилганлиги тўғрисида ички аудит хизмати хулосаси олиниб, илова қилинаётгани, қарзни ундириш бўйича даъво муддати оралигида кўрилган чоралар, даъво муддати тугагунга қадар қарздорликни ундириш бўйича чора кўрилмаган тақдирда, айбдор ходимларга нисбатан меҳнат кодекси доирасида кўрилган/кўрилаётган чоралар ва бошқа тегишли маълумотлар кўрсатилган ҳолда*).

Ушбу қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш вазифаси жамият бошқарув раиси зиммасига юклатилсин.

Баённома 2021 йил “09” апрелда икки нусхада тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси:

А.Салихов

Йиғилиш котиби:

А.Сайфуллаев